

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДАГИ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛИ ЛАВОЗИМИНИ ЖОРИЙ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнида ва ижро ҳоқимияти органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамаси иштирокининг самарадорлигини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини бажаришда Ҳукумат масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили (кейинги ўринларда Ваколатли вакил деб аталади) лавозими жорий этилсин.

2. Қуйидагилар Ваколатли вакилнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

биринчи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳоқимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқиладиган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш, уларни Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратида кўриб чиқиш, келишиш ва ахборот бериш жараёнларида иштирок этиш;

иккинчи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида қонунлар лойиҳалари, бошқа масалаларни муҳокама этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида қонун лойиҳаларини (қонунларни) кўриб чиқишда иштирок этадиган Ҳукумат вакиллари таркибини шакллантиришда иштирок этиш;

учинчи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан қонун ижодкорлиги фаолиятида, авваламбор, мамлакат парламентида қонунларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнларида яқин ҳамкорлигини ташкил этиш;

тўртинчи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари, қонунлар, давлат дастурлари ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг келишилган нуқтаи назарини ифода этиш;

бешинчи — қонун ижодкорлиги жараёни, қонунчилик ташаббусларининг қабул қилиниши, парламент назорати натижалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқилиши ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тизимли асосда ахборот бериш;

олтинчи — янги қабул қилинган қонунларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, режалари ҳамда қарорлари тайёрланишини ташкил этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан амалдаги қонунлар бажарилишини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

еттинчи — қонунлар, давлат дастурларининг бажарилиши ва бошқа йўналишлар бўйича парламент назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иштирокини таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ваколатли вакил:

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади:

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади, бир вақтнинг ўзида унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Ваколатли вакилга:

қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш дастурларининг ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши ҳамда амалга оширилиши;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, уларнинг кенгашлари, қўмиталари, комиссиялари (ишчи гуруҳлари), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмалари мажлисларида қонунлар лойиҳалари ва қонунларни кўриб чиқишда уларни ҳар томонлама асослаш, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги экспертизадан тўлиқ ўтказилишини таъминлаш бўйича шахсий масъулият юклансин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили аппаратининг тузилмаси **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили тўғрисидаги Низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Янги жорий этилган Ваколатли вакил лавозими учун Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг 19-разряди белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида Ваколатли вакил учун хона ажратилишини, шунингдек уни зарур ускуналар, компьютер техникаси, мебель, алоқа воситалари, жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ваколатли вакил ва унинг аппаратини Ҳукумат биносида жойлаштириш, унинг ишларини самарали ташкил этиш учун ташкилий ва моддий-техник, шу жумладан транспорт таъминоти масалаларини ҳал этсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг штат жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳақида бир ой муддатда таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 сентябрь,
ПҚ-3294-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 28
сентябрдаги ПҚ-3294-сон
қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисидаги ваколатли вакили
АППАРАТИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили	1
Қонун ижодкорлиги фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан ҳамкорлик масалалари бўйича бош мутахассис	1
Парламент назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан ҳамкорлик масалалари бўйича етакчи мутахассис	1
Инспектор (техник ходим)	1
Жами:	4

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 28
сентябрдаги ПҚ-3294-сон
қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакилининг (кейинги ўринларда Ваколатли вакил деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва масъулиятини, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ваколатли вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Ваколатли вакил ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади, бир вақтнинг ўзида унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Аппарати бошқарувчиси (кейинги ўринларда Аппарат бошқарувчиси деб аталади) томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Ваколатли вакил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси деб аталади) Олий Мажлис палаталари билан ўзаро ҳамкорлиги масаласида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари (кейинги ўринларда Олий Мажлис палаталари деб аталади), уларнинг кенгашлари, кўмиталари, комиссиялари (ишчи гуруҳлари), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмалари (кейинги ўринларда депутатлар бирлашмалари деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг (кейинги ўринларда Ижро этувчи аппарат деб аталади) таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Ваколатли вакилнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Ваколатли вакилнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ижро этувчи аппаратнинг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиладиган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш, уларни Ижро этувчи аппаратда кўриб чиқиш, келишиш ва ахборот бериш жараёнларида иштирок этиш;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида қонунлар лойиҳалари, бошқа масалаларни муҳокама қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида қонун лойиҳаларини (қонунларни) кўриб чиқишда иштирок этадиган Ҳукумат вакиллари таркибини шакллантиришда иштирок этиш;

Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталари билан қонун ижодкорлиги фаолиятида, айниқса, мамлакат парламентида қонунларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнларида яқин ҳамкорлигини ташкил этиш;

Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари, қонунлар, давлат дастурлари ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг келишилган нуқтаи назарини ифода этиш;

қонун ижодкорлиги жараёни, қонунчилик ташаббусларининг қабул қилиниши, парламент назорати натижалари ва ўз фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларнинг Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқилиши ҳақида Вазирлар Маҳкамасини тизимли асосда хабардор қилиш;

янги қабул қилинган қонунларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, режалари ҳамда қарорлари тайёрланишини ташкил этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар томонидан амалдаги қонунлар ижросини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

қонунлар, давлат дастурлари ва бошқа йўналишлар ижроси бўйича парламент назоратини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг иштирокини таъминлаш.

6. Ваколатли вакил зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) Ижро этувчи аппаратнинг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиладиган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш, уларни Ижро этувчи аппаратда кўриб чиқиш, келишиш ва ахборот бериш жараёнларида иштирок этиш соҳасида:

Ижро этувчи аппаратнинг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси, ахборот-таҳлил департаментлари билан биргаликда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурлар тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурлар ижросини мониторинг қилиб боради, шунингдек уларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ишини мувофиқлаштиришда иштирок этади;

Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган қонунлар лойиҳаларини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш, шунингдек уларга илова қилинадиган материалларни пухта ва сифатли тайёрлаш мақсадида Ижро этувчи аппарат таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда услубий ёрдам кўрсатади;

Ижро этувчи аппаратда қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ҳамда бошқа турдаги экспертизадан ўтказишда иштирок этади;

Ижро этувчи аппаратнинг таркибий бўлинмалари томонидан тайёрланган қонунлар лойиҳаларини ахборот бериш учун кўриб чиқади ва расмийлаштиради, зарур ҳолларда улар юзасидан ўз таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини билдиради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва Аппарат бошқарувчисининг топшириғига мувофиқ қонунлар лойиҳаларини тайёрлайди.

б) Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида қонунлар лойиҳалари, бошқа масалаларни муҳокама этиш ва Ҳукумат вакиллари таркибини шакллантиришда иштирок этиш соҳасида:

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати кўриб чиқиши учун Ижро этувчи аппарат таркибий бўлинмалари билан биргаликда қонунлар лойиҳалари ва бошқа масалалар тайёрланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этиладиган қонунлар лойиҳалари, бошқа масалаларнинг Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида муҳокама қилишда иштирок этади;

зарур ҳолларда, муҳокама этиладиган қонунлар лойиҳалари, бошқа масалалар юзасидан ўз таклифлари ва эътирозларини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати кўриб чиқиши учун тақдим этади;

Вазирлар Маҳкамаси вакилларининг рўйхатни келишади, Олий Мажлис палаталарида қонунлар лойиҳаларини (қонунларни) кўриб чиқишда иштирок этадиган номзодларни Вазирлар Маҳкамаси вакиллари таркибига киритиш учун тавсия қилади.

в) қонун ижодкорлиги фаолиятида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталари билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш соҳасида:

Олий Мажлис палаталарида қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш масалалари бўйича ўтказиладиган Олий Мажлис палаталари, уларнинг кенгашлари, кўмиталари ва комиссиялари (ишчи гуруҳлари), депутатлар бирлашмалари мажлисларида, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишлар, ҳукумат ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларда, Аппарат бошқарувчиси ўтказадиган мажлисларда иштирок этади;

қонунлар лойиҳаларини (қонунларни) кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш, ушбу соҳада тизимли муаммолар ҳамда камчиликларга йўл қўймаслик масалаларида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

Олий Мажлис палаталарига қабул қилинадиган қарорлар сифатини яхшилаш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини, шунингдек уларнинг тўғридан-тўғри таъсирини таъминлашга доир тегишли чоралар кўришда амалий ёрдам кўрсатади;

қонунлар лойиҳаларида улардаги нормаларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари мавжуд бўлишини таҳлил қилади;

қонунлар лойиҳалари, қонунлар ва Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларнинг Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқилишини мониторинг қилиб боради ва уларнинг тизимлаштирилган маълумотлар базасини юритади, унинг мунтазам янгилаб турилишини таъминлайди;

г) Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари, қонунлар, давлат дастурлари ва бошқа масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг келишилган нуқтаи назарини ифода этиш соҳасида:

Олий Мажлис палаталари, уларнинг кенгашлари, кўмиталари ва комиссиялари (ишчи гуруҳлари), депутатлар бирлашмалари қонунлар лойиҳалари, қонунлар ва Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқишда Вазирлар Маҳкамаси нуқтаи назарини ҳимоя қилишда иштирок этади;

Олий Мажлис палаталари, уларнинг кенгашлари, кўмиталари ва комиссиялари (ишчи гуруҳлари), депутатлар бирлашмаларида қонунлар лойиҳалари ва қонунлар, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқишнинг барча босқичларида Вазирлар Маҳкамасининг белгиланган тартибда келишилган манфаатларини ифода этади;

Олий Мажлис палаталари, уларнинг кенгашлари, кўмиталари, комиссиялари (ишчи гуруҳлари), депутатлар бирлашмаларининг қонунлар лойиҳалари, қонунлар ва бошқа масалалар бўйича ишларида Ижро этувчи аппарат, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг тегишли раҳбарлари ва мутахассисларининг иштирок этишини таъминлайди;